



**РЕШЕНИЕ  
ХОКИМА**

Тайлякского района  
Самаркандской области  
Республики Узбекистан

2020 у. г. «17» октабрь

№ 607-1

Toyloq sh. – г. Тайляк

**Туман ҳокимлиги захира ерлари  
хисобидан Ўрай-Элипок маҳалла  
фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро  
Абдуғаниев Дилмурод бошлиқ  
фермер хўжалик ташкил қилиш  
ҳамда ер майдони ажратиш ҳақида.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сонли “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30-октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган низом, Адлия вазирлигидан 2005 йил 19 ноябрда 1523-сон билан Давлат рўйхатидан ўtkazilgan “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинган ер майдонлари бўйича фермер хўжаликлари ташкил қилиш учун танлов ўtkaziш комиссиясининг 2020 йил боктябрдаги 3-сонли йиғилиш баённомасига мувофиқ “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Туман ҳокимлиги захирасига олинган ер майдонларида танлов асосида фермер хўжаликлари ташкил этиш комиссияси томонидан ўtkazilgan танлов қарорига асосан танловда ғолиб деб эълон қилинган Ўрай-Элипок маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Абдуғаниев Дилмуродга ғаллачилик, сабзавотчилик, пиллачилик йўналишида янгидан ташкил этилаётган фермер хўжалигига Элипок массиви ердан фойдаланиш харитасининг 112, 110қ, 109, 117қ, 102қ, 188қ, 49, 53қ, 83қ, 116қ, 91қ, 135қ -контурларидан жами 19.2 гектар, шундан 12.22 гектар сугориб ҳайдаладиган, 2.10 гектар боғзор, 4.04 гектар тутзор, 0.51 гектар ариқ ва зовурлар, 0.33 гектар йўллар, 0.20 гектар қурилиш ости, 0.30 гектар бошқа ерлардан иборат ер майдони 37 (ўттиз етти) йил муддатга ижарага берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинким, келажакда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида давлат эҳтиёжи учун манзилли дастурларни ижросини таъминлаш белгилангандан узоқ муддатли ижара шартномасига тегиши ўзгартириш киритилиши кўрсатиб ўтилсин.

3. Туман Давлат хизматлари маркази (З. Нуриддинов)га фермер хўжалик Низомини конунда белгиланган тартибда рўйхатга олиш ва бу ҳакида тегишли ташкилотларга мальумот бериш топширилсин.

4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиги (Ж. Ҳайитов) Ўрай-Элипок маҳалла фуқаролар йигинида яшовчи фуқаро Абдуғаниев Дилмурод бошлиқ фермер хўжалигига ер майдонини ажратиб бериш, фермер хўжалигига тегишли ҳужжатлар расмийлаштириш ва уни фаолиятини, ажратилган ер участкасидан тўғри мақсадда фойдаланишни назорат қилиб бориш хамда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 53-моддасида кўрсатилган талабларни бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Туман Давлат солик инспекцияси бошлиги (Ш. Шарипов)га фуқаро Абдуғаниев Дилмурод бошлиқ фермер хўжалигига бюджет билан бўлган хисоб китобларни белгилаб бериш ва қонунда белгиланган тартибда солик ундирилишини назоратга олиш юклатилсин.

6. Ушбу қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда колдирман.

Туман хокими

Б. Бабоназаров

